

ИККИНЧИ МУДДАТГА ҲАМ...

Россия Президенти Владимир Путин президентлик учун бўладиган сайловда иккинчи муддатга ҳам номзодини қўйишга қарор қилди. Бу ҳақда Президент яқинда Россия фуқаролиги билан бўлиб ўтган тўғридан-тўғри телемулоқот чоғида маълум қилди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.


Маълумки, Федерация Кенгаши 10 декабрь куни Президент сайловини келгуси йилнинг 14 мартига белгиланган ва 11 декабрь кунёқ сайлов кампанияси расмий бошланган эди.

Дума учун бўлиб ўтган сайловларда беш фойздан ортиқ овоз олган сиёсий партиялар ҳамда блоклар ўз номзодларини илгари суришлари мумкин.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президент сайловида сайловчиларнинг 50 фоизи иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий деб тан олинади. Биринчи турда галаба 50 фойздан ортиқ овоз олган номзодга насиб этади.

АҚШ етакчилигида Афғонистонда олиб борилган антитеррористик ҳаракатлардан асосий мақсад террорчиларнинг раҳнамоси Усама бен Ладен ва толибон ҳаракатининг маънавий раҳбари Мулла Умарни қўлга тушириш, толибонларнинг ҳарбий-сиёсий фаолиятини тугатиш, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ўтти даври ҳукуматини ташкил қилиш эди. Толибонларнинг маъмурий ва ҳарбий тизими тор-мор этилганига қарама-дан Усама бен Ладен ва Мулла Умарларни қўлга олиш режаси амалга ошмай қолди. Экспертларнинг фикрига кўра 25-30 кмч атрофидаги толибонлар қочиб қутулишган.

Толибонларнинг Афғонистон ислом амирлиги асосида тузган тузуми йўқ қилинган, унинг ўрнига янги тизим қуриш лозим эди. 2001 йил 27 ноябрдан 5 декабргача Бонн шаҳрида БМТнинг Афғонистон ишлари бўйича вакили Ладхор Браҳми бошчилигида шу масала юзасидан конференция бўлиб ўтди. Конференция натижасига кўра Афғонистонда 6 ой муддатга вақтли ҳукумат ташкил қилишга келишиб олинди ва кейинчалик бутун афғон халқининг йиғини бўлган «Лойи жаиргани» қақариш, 18 ой муддатга вақтли ҳукуматни сайлаш ва Афғонистоннинг янги конституциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги битимга имзо чекилди. Шунинг таъкидлаш кераки, янги маъмуриятни шакллантириш жараёни анча қийин кечди ва бу ишга халқаро антитеррорчилар иттифоқи аъзолари аралашилариға тўғри кел-



ҳам кам сонли миллат вакиллари ҳукумат таркибидан сикчи чиқарила бошланди.

Кўпгина баҳс-мунозаралардан сўнг Афғонистоннинг собиқ раҳбари Муҳаммад Зоҳир Шохга яқин бўлган, сиёсий доираларда унчалик таниқли бўлмаган, пуштун миллатига мансуб Ҳамид Карзай муваққат ҳукумат бошлиғи этиб тайинланди. Шимолий иттифоқ вакиллари ҳам қўлланганидан анча муҳим вазибаларни эгаллади-

соҳаларни қайта тиклаш каби жуда мураккаб вазибалар турар эди. Дастлабки вақтларда ҳукуматнинг ягона бир дастури йўқлиги билиниб қолди. Ҳаммасини бошидан бошлаш керак эди. 1964 йилда қабул қилинган конституция вақтинча амалга татбиқ этилди.

Вақтли ҳукуматнинг дастлабки қадамларидан бири, пойтахтдан шимолий иттифоқ қўшинларини чиқариб, халқаро хавфсизлик қўшинларини олиб ки-

РАСМИЙ ХАЙРЛАШДИ

НАТО бош котиби Жорж Робертсоннинг ушбу ташкилотга раҳбарлик қилиш муддати яқунланди. Ташкилотга аъзо 19 давлат вакиллари иштирок этган чоршанба кунги хайрлашув йиғилишига Жорж Робертсон охириги марта раислик қилди.

Энди унинг ўрнини Нидерландия ташқи ишлар вазири, сўнгги вақтларда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти раиси вазибасини бажарётган Яап де Хооп Схеффер 5 январдан расмий эгаллайди. «Интерфакс» хабар беришича, Жорж Робертсон хайрлашаётиб журналистларга интервью бераркан, «НАТОга ахтиёж бундан кейин кўпроқ сезилади», деди.

Буюк Британиянинг собиқ мудофаа вазири Жорж Робертсон 1999 йили испаниялик Хавьер Солана ўрнини эгаллаб, НАТОга раҳбарликни қўлган олган эди. Унинг раҳбарлигида ўтган 4 йиллик муддат НАТО учун жуда оғир кечди. Яъни Нью-Йорк ва Вашингтонда дахшати террорчилик акти содир этилди, Афғонистондаги тинчликни ўрнатиш жараёнида ҳамда Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда бевосита НАТО ҳам иштирок этди.

Афғонистоннинг янги ҳукумати олдида турган оғир муаммолардан бири наркотик моддалар етиштиришнинг олдини олишдан иборат. Албатта, бу муаммони ҳал этишни Афғон ҳукуматининг ўзи эшлаши қийин. Жаҳон ҳамжамияти эса бу му-

лиард АҚШ доллари миқдориди 4,5 миллиард доллар миқдоридида берилган қарор қилинди.

Ўз ўрнида бизнинг давлатимиз ҳам жафокаш афғон халқи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиш, энергетикани тиклаш, йўл, кўприк қуриш ва кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатмоқда. Булардан ташқари, Жанубий Корея, Австрия, Италия, АҚШ, Германия ва бошқа давлатлар ҳам Афғонистоннинг энергетика, маориф, транспорт ва бошқа соҳаларини тиклашга кўмаклашмоқдалар. Халқаро ҳамкорлик ташкилоти аъзолари томонидан ажратилган 4,5 миллиард доллар миқдоридидаги маблағ босқичма-босқич, аниқ дастурлар орқали маълум бир соҳаларга йўналтирилмоқда.

Бугун кунда Ҳамид Карзай ҳукумати таъсири асосан, Қобул ва унинг атрофидаги туманлар доирасида амалга оширилмоқда, ҳоло. Провинцияларнинг губернаторлари марказдан мустақил равишда фаоллик юргизишмоқда. Бугун афғон халқи ўзининг диний, миллий ва қабилавий можароларга чек қўйиб, бир ёқадан беш чиқариб, мамлакатни нуқур инкироздан олиб чиқиши ва кучли марказлашган давлат қуришлари керак. Бу фақатгина афғон халқи учун эмас, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам фойдалидир.

Ҳикматулла ТҮЛИБОВЕ,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини ўқитувчиси

ЯНГИ ҲУКУМАТГА ИККИ ЙИЛ

2001 ЙИЛ 21 ДЕКАБРДА АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН ЭДИ

ижтимоий соҳаларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаяётганлиги ва улар осонликча лавозим-мансабларнинг тенг тақсимланишига йўл қўймаслиги яна бир қийинчиликни туғдирар эди. Мамлакат аҳолисининг 13 фоизини тожиқлар, 9 фоизини хазоралар, 6 фоизини ўзбеклар ташкил қилишига қарама-дан 1963-90 йиллар мобайнида давлат аппаратининг 60 фоизи пуштунлар қўлида бўлган. 1990 йилдан сўнг толибонлар даврида

лар. Ҳукуматдаги 29 вазирлик ва бошқа амаллардан 10 таси пуштун, 10 таси тожиқ, 4 таси ўзбек, 4 таси хазора ва биттаси туркман миллати вакилларига насиб этди.

2001 йил 21 декабрда янги ҳукумат Қобул шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. Ҳукумат олдида 22 йилдан буён давом этаётган фуқаролар уруши туфайли бутунлай издан чиққан иқтисодийни тиклаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, қийинги, барча

риш бўлди. Халқаро кучларнинг асосий вазибаси Қобул ва унинг атрофидаги ҳудудларни ва вақтли ҳукумат вакиллари кўриқлашдан иборатдир. Вақтли ҳукуматнинг халқаро кучлардан Афғонистоннинг бошқа шахар ва провинцияларида ҳам ўз назоратларини ўрнатиш тўғрисидаги илтимослари, катта маблағ талаб қилиши туфайли рад этилди. Афғонистондаги халқаро ҳамкорлик кучлари қўшинларига 22 давлатдан 5960 киши сафарбар этилди.

аммоларнинг ҳал қилинишидан манфаатдор. Афғонистон гиёҳвандлик моддаларини етиштиришда жаҳонда биринчи ўринда туради. Хар йили 3-3,5 минг тонна гиёҳвандлик моддалари дунёнинг турли давлатларига етказиб берилмоқда.

Иқтисодийнинг ночорлиги Афғонистонни қийин аҳволга солиб қўймоқда. 2002 йил 21 январда Токиода бўлиб ўтган йиғинда 61 давлат ва 21 халқаро ташкилот вакиллари қатнашиб, Афғонистонга 4,5 мил-

ҚҶШНИЛАР СУДГА МУРОЖААТ ЭТМОҚЧИ

Саддам Хусайн тузуми даврида ундан жабр кўрган Ироққа қўшни давлатлар — Эрон, Исроил ва Кувайт Саддам Хусайннинг ҳарбий жиноятлари юзасидан судга муурожаат этишни мўлжаллаб турибди.

Кувайт бош вазири шайх Сабах ал-Аҳмад ал-Сабах маълум қилишича, мамлакат Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари собиқ диктатор Кувайт халқига қарши амалга оширган жиноятлари бўйича

ҳужжатлар йиғишни бошлади. Шунингдек, Эрон раҳбарияти ҳам 1980-88 йиллардаги Эрон-Ироқ уруши даврида Ироқ етакчиси қилган айблар бўйича уни судга бермоқчи. Ушанда Саддам Хусайн буйруғига кўра қўлланган қимбўйи қуролдан 300 мингга яқин эронлик ҳалок бўлган эди.

Исроил ҳам Саддамдан азият чеккан мамлакат ҳисобланади, дейилади Reuters хабарида. 1991 йили Форс кўрфазидидаги

уруш пайтида Исроилга SCUD русумли ракеталар отганида ва Фаластиндаги террорчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаганликда айбланмоқда.

Булардан ташқари, Ливандаги бир гуруҳ дин пешволари Саддамга қарши айблов эълон қилишга чоғланаётганлигини айтган. Уларнинг таъкидлашича, Саддам тузуми даврида Ироқ марказида исломни ўрганаётган гуруҳ қамқома олинди, қийноқларга гирифторм қилинган.

«ЎЗЭЛЕКТРОТЕРМ» А.Ж. АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 23 декабрь кунин соат 14.00 да Наманган шаҳри, 8-Март кўчаси, 3, «Гулiston» ҳудудидаги манзилда, жамиятнинг мажлислар залида жамият акцияларининг 58,71 фойзига эгаллик қилувчи хусусий тадбиркор М.Пўлатовнинг ишончли вакили Р.Масхаров тақлифи билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.

- Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:
1. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.
 2. Жамият низомига тегишли ўзгартиришлар киритиш.
 3. Ижрочи орган аъзоларини қайта сайлаш.
 4. Жамият аудиториини тайинлаш.
 5. Қўшимча масалалар.

Пўлатов Мубошир — 58,71% акция эгаси

ХАЛҚ БАНКИНИНГ

Тошкент шаҳар филиали Танлов асосида қуйидаги лавозимларга ишга тақлиф қилади:

- Валюта айирбошлаш шахобчаси бухгалтер назоратчиси
Валюта айирбошлаш шахобчаси кассири
Танловда қатнашувчи номзод:
- валюта айирбошлаш шахобчаси бухгалтер назоратчиси — олий ёки ўрта махсус иқтисодий маълумотли;
 - валюта айирбошлаш шахобчаси кассири — ўрта махсус иқтисодий маълумотли;
 - Компьютерда ишлашни билиши (Windows, Microsoft Word & Excel);
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда қайд этилган бўлиши шарт!
- Бизнинг манзилимиз:
Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги-б.
Тел: 45-35-44, 45-35-52

SHARK MIR
SUPERMARKET & FAST FOOD

Беркўёш Ўзбекистон диёрига Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоғаннинг расмий ташрифини чин қалбдан мубороқбод этади ва бу сафарнинг самарали бошлангани билан барча-барчани қутлайди.

Ўзбек ва турк халқлари ҳаётни осмон каби мусаффо, баҳор қўёшидек чаровон бўлиб бораверсин. Азаллий қонаош-қариндош ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик асрлар оша мустаҳкамланаверсин!

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

САВОЛ: Олинган мажбуриятнинг бажарилганлигини тасдиқлаш шарт дейилиши тўғрими?

Ж. Зайлобиддинов, Наманган вилояти.
ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 257-моддасига асосан, кредитор мажбуриятнинг бажарилишини қабул қилиб олган вақтида, қарздорнинг талаби билан унга мажбуриятнинг тўла ёки қисман бажарилишини қабул қилиб олганлиги ҳақида тилхат бериши шарт. Оғзаки битимлар юридик шахслар билан фуқаролар ўртасида бажарилганда товарлар ёки хизматлар ҳақини тўлаган юридик шахс бошқа тарафдан пул тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни ва тўлов асосини олиши керак.

Агар қардор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ихросини қабул қилиб олаётган вақтида ушбу ҳужжатни қайтариб бериши, қайтариб беришнинг имкони бўлмаганда эса — буни ўзи бераётган тилхатда кўрсатиши лозим. Тилхат қайтариб берилаётган қарз ҳужжати устхат ёзилиши мумкин. Қарз ҳужжатининг қарздорда бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди.

САВОЛ: Гаровга қўйилган мол-мулкни ундириш масаласига нисбатан қандай тартиблар қўлланиши кўзда тутилган?

И.Жумагалдиев, Қорақалпоғистон Республикаси.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 280-моддасига биноан, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан сундинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга муурожаат қилмасдан қондиришга ундирувчи гаров нарсага қаратиш учун асослар вуқудга келгандан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахсининг даввосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарсага гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин.

Ундирув гаров нарсага қуйидаги ҳолларда фақат сундинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

- 1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганда;
- 2) гаров нарсаи самият учун тарихий, баддий ёки ўзга маданый аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;
- 3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса, шунингдек, унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

Диққат, аукцион!

Давлат мулк қўмисини Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «Poytaxt aukcion» давлат унтар корхонаси 2004 йилнинг 20,23,27,30 январь кунлари аукцион савдоларини ўтказди. Савдоларга Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ипакчилик институти ҳудудида жойлашган, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,04 гектардан иборат бўлган олтига ер участкасига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи қўйилади. Хар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 656 000 сўмдан.

Аукцион савдоларида қатнашишни учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашни истагани билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридидаги закалат пулини «Poytaxt aukcion» давлат унтар корхонасининг «Ўзуй-жойжамгармабан» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Биржа савдоларида қуйидаги объект қўйилади: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 40-уй манзилгоҳида жойлашган «Taysoot» масъулият чекланган жамиятининг 26 фойзлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 26097656 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанин ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

Муурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ Кузатув кенгаши акциядорлар реестри юритувчисининг алмашиши муносабати билан жамият акциядорлар реестри 2004 йил 1 январь ҳолатига ёпилиши ва 2004 йил 1 январдан бошлаб ушбу реестр жамият томонидан юритилишини маълум қилади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Х.Аъзамовга ақаси
БАҲОДИР ҲОЖИ ҲИДОЯТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоси, Қашқадарё вилоят «Автохизмат» очиқ акциядорлик жамияти раиси И.А.Асадовга ақаси
Бахтиёр АСАДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси вилоят партия кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамовга ақаси
Баҳодир ҲОЖИ ҲИДОЯТОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихзор этади.

Кўмир қазиб олиш ва сотиш акциядорлик бирлашмаси — «Кўмир» раҳбарияти ва жамоаси «Кўмир» АБ Бошқаруви раисининг ўринбосари Анорбий Миродилович Миродиловга отаси
Миродил ОТА МИРЖАЛОЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

ИРОДА

Спортимиз юлдузлари

Осиё ўйинлари чемпиони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Ирода ТўЛАГАНОВА билан суҳбат

Ирода Тўлаганова 1982 йил Тошкентда туғилган. Теннис билан тўққиз ёшдан шуғулланади. Ўнг қўл билан ўйнайди.

Якка тартибда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Уимблдон (1999 й.) турнири голибаси. 1999 йилнинг июнидан профессионал теннисчи.

Мураббийи — Александр Злотоустов. Менежери — Ботир Тўлаганов.

XIV Осиё ўйинлари чемпиони. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон ифтихори» унвонлари соҳибаси.

Ўтаётган йилимиз мамлакатимиз тенниси юлдузи Ирода Тўлаганова учун анча оғир кечди. Йил давомида жароҳатлар билан майдонга чиқиб, оғир кечди. Йил давомида жароҳатлар билан майдонга чиқиб, оғир кечди. Йил давомида жароҳатлар билан майдонга чиқиб, оғир кечди.



— Ирода, жароҳат сабабли бу йил сиз учун анча оғир кечди. Ҳозир аҳолингиз қандай, қачон мусобақаларда сизни кўрагимиз?

— Бу йилги мавсумда янги ютуқларга эришаман, деб ўйлаган эдим. Афсуски, тирсагимдан олган жароҳатим бунга йўл қўймади. Таснифдаги мавқеим тушиб кетмаслиги учун астойдил ҳаракат қилдим. Турнирларда беллашувларимни гоҳо қаттиқ оғриқ остида ўтказишимга тўғри келди. Яқинларим билан маслаҳатлашиб, жароҳатимни йўл билан даволашга қарор қилдим.

Мамлакатимизда уюштирилган Тошкент оупен турнири арасида даволашни учун Москвага кетдим. Турнирга бир ҳафта қолганида операция қилдирдим. Бу анча жиддий операция эди. Аини пайтда кортга қайтиш учун тикланиш машғулотларини ўтказяпман. Ҳозирча турнирларда қатнашиш мумкин эмас. Мени операция қилган врач жароҳатимни тиббий кўриқдан ўтказиши керак. Натижалар ижобий бўлса, янги мавсумни Австралия очик чемпионатида қатнашишдан бошлайман.

— Ирода, мамлакатимиз аёллари теннисини сизсиз тасаввур этиш мушкул. Кўпчилик сизни юртимиз тенниси маликаси, деб эътироф этади.

— Албатта, бу таърифни эшитганимда хурсанд бўламан. Атрофдагилар мени қандай таърифлашганилар, ҳамюртларим ва теннис муҳлислари учун мен — теннисчи Ирода Тўлагановаман. Ҳар бир сафаримда юртимизга ҳеч бўлмаса бирор-бир ютуқ тақдим этишни истайман.

— Жаҳон теннисчи қизлари орасида яқин дугоналарингиз борми?

— Қизлар билан мусобабаларимиз яхши. Бир-биримизни ҳурмат қиламиз. Кортда рақиб бўлсак-да, беллашувлардан кейин дугоналар каби ўзаро суҳбатлашиб, фикр алмашиб тураемиз. Лекин улар орасида кўнглига жуда яқин дугоналарим бор, деб айта олмаيمان. Қўлаб-қувватлашга, ёрдамга муҳтож бўлганимда менга энг яқин кишиларим — дадам, ойим, бувим ва синглим Наргиза суянч бўлишади. Бугунги тикланиш жараёнида эса мураббийим

Александр Злотоустов ва жисмоний тайёргарлик бўйича устозим Галина Казакова менга катта ёрдам беришмоқда.

— Ўтаётган йилимизда америкалик Линдсей Дэвенпорт билан кортда икки марта учрашдингиз ва унга имкониятни бой бердингиз. Айтишларича, уни «енгилмас», дейишаркан.

— Умуман енгилмайдиган рақиблар бўлмайди. Айрим рақиблар билан беллашувни енгил ўтказиш мумкин бўлса, баъзи теннисчилар билан курашиш анча қийин кечади. Агар рақибнинг кучи ва имкониятига бас келадиган даражада муносиб тайёргарликка эга бўлсангиз ва унинг оғир томонларини илғай олсангиз бас, галаба қозониш қийин эмас. Дэвенпорт каби кучли ўнлик таркибда турган теннисчилар беллашув жараёнида бир мартагина хатога йўл қўйишлари мумкин, агар уларнинг ана шу хатосидан фойдаланилмаса ва аксинча бир ёки икки хатога йўл қўйилса, учрашув тақдирини дарҳол ўз фойдаларига ҳал этадилар.

— Теннис доимий сафарларни талаб этадиган спорт тури. Бир нафас меҳнатдан тўхташ эса фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Бундай заҳматли спорт тури қизлар учун оғирлик қилмайдими?

— Аслида ҳар бир касбнинг ўзига хос қийинчилиги бўлади. Мен эса шу спорт турини танладимми, дедим, шу соҳада зафарларга эришишим керак. Машаққатли машғулотлар ва меҳнатлар менга жамиятда ўз ўрнимга эга бўлишдек, жаҳон кортларида юртимиз байроғини баланд кўтара олишдек бахт берди. Машғулотлардан чарчаган, толиққан кезларим бўлган. Аммо андиликда хурсандманки, меҳнатларим зое кетмади. Умрим беҳуда ўтмапти. Қўчада турли бефойда ишлар билан машғул бўлмадим, келажакимни фаровон этишга интилдим ва бунга эришдим ҳам. Бу йўлда менга кўмак берган яқин кишиларимдан, саховатли инсонлардан беҳад миннатдорман.

— Машҳур теннисчилар Густаво Куэртен, Евгений Кафельников ва Карлос Мойя бир қатор хайрия ишларини амалга оширишган.

2001 йилда сиз ҳам юртимиздаги болалар уйлари тарбияланувчилари учун бир ярим миллион сўмлик теннис анжомлари тақдим этгандингиз. Бу борада яна режаларингиз борми?

— Мен болаларни жуда яхши кўраман. Ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш керак, деб ўйлайман. Болаларни фойдали ишларга йўналтириш билан уларнинг вақтларини беҳуда ишларга сарфлашдан, кўчада бекорчи нарсалар билан машғул бўлишдан асраб қоламиз. Шу орқали уларнинг жамиятимизга муносиб кишилар бўлиб етишишларига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Келгусида уларга яна билим олиш ва маҳоратларини ошириш борасида зарур бўлган анжомлар тақдим этиш режаларим бор.

— Теннисдан бошқа яна қандай спорт турларига қизиқасиз?

— Менга футбол ёқди. Машғулотларимиз тўғри келиб қолганда миллий терма жамоадаги йигитлар билан футбол ўйнаймиз. Юртимиз шарафини халқаро майдонларда ҳимоя қилаётган етакчи спортчиларимизнинг ҳар бир ютуғидан қувонаман. Миллий курашимизнинг жаҳон майдонларида кенг оммалашаётганидан беҳад хурсандман.

— Фаолиятингизни тамомлагандан кейин қандай иш билан шуғулланмоқчисиз?

— Фаолиятимни тамомлагач, менимча, куч-қувватимни теннис мактабини ташкил этиш ва уни ривожлантиришга сарфласам керак. Негаки, болалигимдан дадам билан юртимизда теннис академияси ташкил этиш ниятидадим. Шу ниятимиз амалга ошса, мамлакатимиз тенниси ривожига йўлда яшигина иш бўларди.

— Инсон ҳамisha янги орзулар оғушида яшайди. Яна қандай орзу ва мақсадларингиз бор?

— Жаҳоннинг энг кучли теннисчиликлари сафида бўлишга ҳаракат қиламан. Ўйлайманки, бунинг учун кучим ва маҳоратим етарли. Бундан ташқари, барча қизлар каби келинлик либоси кийишни, бир оиланинг бекаси бўлишни орзу қиламан.

Ҳамроҳон МУСУЛМОНОВА суҳбатлашди.

Хикматли сўзлар МАЪНОСИ

КЎЗИ ТЎҚНИНГ ЎЗИ ТЎҚ

«Кўзи тўқ» деганда бориға қаноат қилувчи, бировнинг емишига кўз тикмайдиган, таъма қилмайдиган, олдиға келгани орқа-ўнгига қарамай емайдиған, оч бўлса ҳам тўқман деб турадиган ориятли одамни, «очкўз» деганда эса ана шу хислатларнинг тамомила тескарисиға эға бўлган ориятсиз, суллоҳ, бети қалин, таъмағир одамни назарда тутадилар. «Кўзи тўйса, ўзи тўяр».

КЎЗА КУНДА СИНМАЙДИ, КУНИДА СИНАДИ

Бу мақол билан мажозан: «Ҳа, ҳеч ким кўрмайпти-ку, билма-япти-ку, деб ўйлаб осонгина, мўмайгина бойлик, манфаат ортириш йўлида хуфиёна ишларни қилиб юрган одам бир кун бўлмаса, бир кун қўлга тушиши, яширинча қилиб юрган ишлари фош этилиши, шармандаю шармисор бўлиши муқаррар», дейилмоқчи.

КЎЗ ЁШИ ТОШНИ ЭРИТАР

Кўз ёши ҳеч қачон тошни эритган эмас. Аммо, бу мақол мажозий маънода талқин этилган бўлиб: «Ёмон, ноилоҳ, чорасиз аҳволга тушиб қолган, бирор нарсаға, бировнинг ёрдамиға муҳтож бўлган одамнинг кўз ёши ҳар қандай қаҳри қаттиқ, тошқўнғил одамнинг ҳам кўнглини эритиб, раҳм-шафқатини уйғота олади», дейилмоқчи. «Кўз ёши меҳрни уйғотар».

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Abdulhafiz JALOLOV
- Azimjon AYUPOV
- Aziz NOSIROV
- Ashur QODIROV
- Nobir ALIMOV
- Habib SA'DULLA
- Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Goloz Uzbekistona)
- Nomoz SA'DULLAYEV
- Rahima HAKIMOVA
- Qo'lepbergen QAIPIBERGENOV
- Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
- Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45
- Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
- Parlament va huquq 133-57-20
- Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
- Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Kotibiyat
- 133-72-83
- Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-16-16
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-03-80
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 3-39-20
- Namanganda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-12
- Samarqandda — 35-20-54
- Urganchda — 226-51-35
- Farg'onada — 26-43-62
- Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZQOV




Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharh» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. T — 164

7619 nusxada bosildi. Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 1 2 3 4 5. SOTUVDA ERKIN NARXDA

АЗАЛИЙ ҚОНДОШ, ҚАРДОШ ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК АСРЛАР ОША МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАВЕРСИН!



JV «Silk Road Tourism Investments» Co. Inc. Construction Co. Ltd



— Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик даставвал икки мамлакат тадбиркорлари учун кенг йўл очиб бермоқда. — дейди «APEAS» муҳандислик, иншоот ва тижорат компанияси Кузатув кенгашининг раиси Мурод Жамил Таймаз. — Чунки, турк сармоядорлари иштирокида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 254 та корхонадан 53 таси тўла турк капитали асосида бунёд этилган. Ёдингизда бўлса, шу йили Тошкент марказидаги «Дўстлик» меҳмонхонасини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш учун «Ипак йўли туризм инвест» қўшма корхонаси тузилди. «APEAS» барча ишларнинг пудратчиси бўлди. Меҳмонхона мажмуида таъмирлаш

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

ишлари билан бир қаторда хизмат кўрсатувчи ходимлар тайёрланди. 4 юлдузли 206 номерга мўлжалланган «Hotel Dedeman Silk Road Tashkent» номини олган меҳмонхона ўз фаолиятини Европа Тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилари кенгашининг XII йиллик мажлиси қатнашчиларига хизмат кўрсатишдан бошлаганидан фخرланамиз. Мамлакат бозоридagi қулай инвестиция муҳитининг эркинлашуви боис, турк ишбилармонларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. Туркия Бош вазири Режеп Эрдоғаннинг

Ўзбекистонга илк расмий ташрифида унга ҳамроҳлик қилаётган 390 га яқин делегация аъзоларининг 80 фоизи турк йирик компания ва фирмалари вакиллари эканлиги бежиз эмас. Ташриф доирасидаги учрашувлар, бизнес-семинарлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги саҳифасини очмоқда. Бизга келсак, ҳозир тўқимачилик соҳаси бўйича лойиҳа устида ишлаяпмиз. Мақсадимиз хоти маънада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб экспорт қилишдан иборат. Ўзаро маданий алоқалар ва туризمنى ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим деб ўйлайман. Шу боис, Самарқанд,

Бухоро ва Хивада 80-100 ўринга мўлжалланган меҳмонхоналарни қуришни мўлжаллаяпмиз. Зеро, борди-келди кўпайса, самара ҳам шунга яраша бўлади. «Ипак йўли туризм инвест» қўшма корхонаси бош директори «APEAS» Кузатув кенгаши аъзоси Уғур Оқчининг айтишича, яқин кунларда Туркиянинг машҳур «Детур» сайёҳлик компанияси вакиллари ҳам Тошкентга келади. Бир неча ой муқаддам эса қўшма корхона ташаббуси билан Туркия оммавий-ахборот воситалари вакиллари бир гуруҳи Ўзбекистонда бўлиб қатор туркум материаллар ва кўрсатувлар тайёрлашди. Бу Туркия халқининг Ўзбекистон ҳаёти ва имкониятлари ҳақида кўпроқ бохабар бўлишларига хизмат қилди. Алишер РЎЗИЕВ

